*Mushohada*

# ҲАММАСИ ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ

**Бош Қомусимизнинг 64-моддасида «Ота-оналар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», — дея қайд этилган. Бу — фарзанд тарбияси сизу бизнинг энг асосий бурчимиз эканини доимо ёдимизга солиб туради.**

Афсуски, орамизда ушбу масалага ўта лоқайдлик билан ёндошадиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Улар фарзанд тарбияси билан шуғулланиш учун ўзларининг «қимматли» вақтларидан қизғанадилар ёки бундан кўра кундалик «муҳим» юмушларини афзал, деб биладилар. Аммо бир кун келиб, ўғли ёки қизи «ҳунар» кўрсатганда, айбни унинг устозлари ёхуд ён-атрофдагиларга ағдаришади.

Келинг, фикрларимизни баъзи ҳаётий воқеалар мисолида давом эттирайлик. Вояга етмаган Тоҳир Эргашев, Расул Ҳасанов, Мажид Назаровлар (исм-шарифлари ўзгартирилган) Қўқон шаҳрининг турли маҳаллаларида истиқомат қилишади. Бироқ юриш-туриши, мақсад-маслаклари бир бўлгани боис улар тезда «тил топишишди». Қолаверса, Мажид билан Расул шаҳардаги касб-ҳунар коллежларининг бирида таҳсил олишади. Лекин улар дарсларга қатнашиб, ўзлари танлаган касбнинг сир-асрорларини ўрганиш ўрнига Тоҳирга қўшилиб, кўча-кўйда саёқ юришни авло билишади. Кўча кезиш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Чўнтакда уч-тўрт сўм «қуруғи»дан бўлиши лозим. «Қуруғи»ни эса кимдандир олиш керак ёки пешона тери тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Табиийки, «қаҳрамон»ларимизнинг ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермади ва улар пул топишнинг «антиқа» йўлини танлашди.

Гап шундаки, ўша куни Тоҳир, Расул, Мажид учовлон шаҳарнинг Абу Тоиб Хўқандий мавзесида жойлашган «Мадаминбек» номидаги хусусий ошхона ёнида ўтиришганди. Шу пайт йўлдан ҳарбий хизматчилар — Жуманазар Бухоров ва Алибек Асқаров ўтиб қолишди. Пайт пойлаб турган ҳамтовоқлар уларнинг йўлини тўсиб, очиқдан-очиқ талончиликка ўтишди. Яъни аввалига иккала хизматчини дўппослашди, сўнг Жуманазарнинг 50.000 сўмлик устки кийими, 300.000 сўмлик «Нокия-7810» русумли телефон аппарати, ён чўнтагида турган ҳарбий билети ва 30.000 сўм пулини тортиб олишди.

Кейинчалик ўтказилган суд-тиббий экспертиза хулосалари Алибек ва Жуманазарнинг соғлиғи бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст олганликларини кўрсатди. Талончилар эса Жиноят кодексининг 166-моддаси, 2-қисми «а,б,в,» бандлари, 227-моддаси, 2-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, қилмишларига яраша қонуний жазога тортилди. Суд ҳукми билан келгусида Расул ва Мажиднинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш вазифаси улар таҳсил олаётган касб-ҳунар коллежи зиммасига юклатилди.Тоҳир ҳам қилмишига яраша қонуний жазога тортилди.

Ёки Музаффар Умидовнинг хатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик. Тарбиясизлик ва эътиборсизлик боис Музаффар ҳам ҳали вояга етмай туриб, жиноятга қўл урди. Аниқроғи, бекорчиликда ўтаётган кунларнинг бирида шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги мавзесида жойлашган дўконга кириб, «томоғини ҳўллади». Сўнгра шу атрофдаги 29-умумий ўрта таълим мактабига йўл олди. Мактаб ҳовлисига киргач, кайфи ошиб бораётган Музаффарнинг «қўли қичиб» қолди. Яъни у оёғи остида ётган тошларни олиб, мактаб деразаларини чилпарчин қилди. Натижада таълим муассасасига 350.000 сўм моддий зарар етказди. Яхшиямки, ойна синиқлари бирор ўқувчи ёки ўқитувчига шикаст етказмади. Шундан сўнг мактаб мутасаддилари уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига топширишди.

Суд жараёнига қадар Музаффар ўзи келтирган зарарни ва деразаларни бутлаш учун кетган харажатларни қоплади. Шу боис судда иштирок этган мактаб вакилининг сўровига биноан суд Жиноят кодексининг 66-1-моддасини қўллаб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш юзасидан ажрим чиқарди.

Юқоридагиларга ўхшаш мисолларни яна келтириш мумкин. Агар таҳлилларга эътибор қаратсак, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди томонидан ўтган 2005 йилда 30 та, жорий йилнинг шу даврига қадар эса 10 та вояга етмаганлар билан боғлиқ ишлар кўрилиб, айбдорлар қонуний жазога тортилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, келтирилган рақамлар бундан ҳам озроқ бўлиши ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин эдими?

Албатта, энг аввало, ота-оналар, қолаверса, устозлар, жамоатчилик вакиллари зиммаларидаги тарбия ва таълим ишларига жиддийроқ ёндашганларида эди, баён этилгани каби кўнгилсиз воқеалар юз бермасди.

Яна шуни таъкидаш лозимки, фарзанд тарбиясида ота-оналар устоз-мураббийлар ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамфикр, ҳамжиҳатликда иш юритиши лозим. Донишмандлардан бири бу ҳақда шундай ибратли ҳикматни айтган: **«Бола шундай бир қушга ўхшайдики, унинг бир қаноти ота-онаси, иккинчиси эса ўқитувчиси ва жамоатчиликдир. Бу қанотлар бир-бирига мос ҳаракатлар билан болани ҳаётга йўллайди. Агар боланинг қанотлари қарама-қарши томонга ҳаракат қилса, бола қулаб тушади»**.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, фарзанд тарбияси нафақат ота-онанинг, балки унинг ён-атрофидаги сизу биз, катталарнинг ҳам зиммамиздаги масъулиятдир. Зеро, бу дунёда инсон учун фарзанд камолидан кўра ортиқроқ бахт йўқ...

**Хадича МУСАХОНОВА,**
**ҳуқуқшунос,**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Islohotlar samarasi*

# ЭЗГУЛИК ҚАНОТИДА

***Маълумки, шўро даврида фуқаролар судларга фақатгина жазоловчи идора сифатида қарашарди. Шунинг учун кимнингдир иши судга тушса, албатта, у жиноятчи саналар, бундан ҳам ёмони — иши судга тушган кимсага бирор-бир жазо чораси қўлланилар эди.***

Кейинги йилларда мамлакатимиз қонунчилиги учун янгилик бўлган Ярашув институтларининг ҳаётга жорий этилиши кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди. Чунки бир пайтлар икки қўшни ўртасидаги оддий жанжал ёки тенгдош жўраларнинг тортишуви оқибатида келиб чиққан муштлашув ҳам охир-оқибат кимнингдир қамоқ жазосига тортилиши билан якун топарди. Бу эса кўп ҳолларда қўни-қўшни, қариндош-уруғ ёки қуда-андаларнинг бир умрга юз кўрмас бўлиб кетишига сабаб бўларди. Ярашув институти айнан ана шундай салбий ҳолатларга чек қўйгани билан ҳам фуқароларимиз томонидан илиқ кутиб олинди.

Мана бир мисол, Андижон вилояти Избоскан тумани "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи икки қўшни И.Деҳқонова ва М.Рахматуллаева ўзаро жанжаллашиб қоладилар. Шунинг натижасида И.Деҳқонова М.Рахматуллаеванинг бошига тош билан уриб, унга енгил тан жароҳати етказади. Албатта, ўз навбатида М.Раҳматуллаева ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилади...

Ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, жавобгар ва даъвогарнинг ўз хоҳишлари билан бирор-бир томоннинг тазйиқсиз ярашганлиги, жавобгар жабрланувчи тарафнинг даъволаниши учун етарли миқдорда маблағ ажратганлиги ва даъвогарнинг ўз давосидан ихтиёрий равишда воз кечганини ҳисобга олиб, Жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди ярашув институти талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу жиноят ишини тугатди. Жавобгарга нисбатан қамоқ жазоси қўлланилмади.

Яна бир мисол. Избоскан тумани, Яккатут қишлоғи, Тўраобод маҳалласида яшовчи фуқаро И.Акбаров 2006 йилнинг 8 феврал куни кеч соат 20.30 лар чамасида амалдаги йўл ҳаракати қоидасининг 3,5 моддасини бузиб, фуқаро Д.Худойбердиевни уриб юборган. Автоҳалокат натижасида пиёда Д.Худойбердиев ўртача оғир тан жароҳати олган. Ҳайдовчи ўз вақтида жабрланувчига ёрдам кўрсатиб, уни шифохонага олиб борган.

И.Акбаровга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган эди. Суд ишни кўриш жараёнида томонларнинг ярашганлиги, И.Акбаров Д.Худойбердиевга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаганлиги ҳамда жабрланувчи ўз хоҳиши билан ўзгаларнинг тазйиқсиз ярашишга келишганлиги инобатга олиб, жиноят ишини тугатди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, биз, соҳа ходимлари бугун нафақат қонунларни тўғри қўллаш, балки тизимда юз бераётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган Президент Фармони ва қарорлари, шунингдек, амалдаги қонунчилигимизда юз кўрсатаётган янги-янги ўзгаришлар фуқароларимизнинг онгига етиб бориши учун ҳам бел боғлаб хизмат қилишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳеч шубҳасиз, судлар, умуман олганда, ҳуқуқ-тартибот идоралари доимий равишда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириб боришлари лозим.

**Бахтиёр РЕЖАПОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Сой жозибаси*

**ЭЪЛОН!**

***Урганч туман ҳудудидаги 2-сон Давлат нотариал идораси Давлат нотариуси лавозимига танлов эълон қилади.***

**Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.**

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида Хоразм вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим.

1. Нотариал бўйича малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган фуқаро қайта имтиҳон топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

***Мурожаат учун манзил: Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Самарқанд кўчаси 90-уй.***
***Маълумотли учун телефон: 226-40-42, 226-97-57.***

*Jinoyat va jazo*

# ХАТОЛАР ЗАНЖИРИ

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Йўлда унга Нам Алексей етиб олиб, уйигача кузатиб қўймоқчи эканини айтди. Аввалига улар суҳбатлашиб кетишди. Сўнгра Алексей кутилмаганда ёнида бораётган жувонни бағрига босгиси келиб қолди. Шу боис хилватроқ жойга борганда Розанинг қўлидан тутиб, кўнгил майлини изҳор қилди.

— Гапинг бўлса, тезроқ айт, мен уйимга кетишим керак, — деди Роза.

Аёлдан бундай совуқ жавобни кутмаган йигит бор кучи билан унинг белидан қучоқлаб, йўл четидаги ялангликка олиб чиқди.

Аёл унинг қўлларидан қутулиш учун ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уринишлари бефойда эди. Роза қаттиқ ҳаяжон ва қўрқувдан тобора кучсизланиб борарди. Ниҳоят, ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириш мушкуллигини сезган Нам Алексей энди ваҳшийлик йўлига ўтди. У Розанинг томоғидан бўғиб, бошига зарб билан мушт туширди. Аёл ҳатто бақиришга ҳам улгурмай, беҳуш йиқилди. Кейин... кейин эса нима бўлганини билмади.

Шайтон васвасасига қул бўлган Алексей ўлжасини қўлга киритган очкўз бўридай аёлга ёпишди. У ўзини билмай ётган аёлни хоҳлаганича таҳқирлади.

Қабиҳ ниятига етган Нам Алексей энди навбатдаги пасткашликка қўл урди. У Роза Умаровага тегишли қўл соати, 82 минг сўмлик икки дона тилла узуклари, 78 минг сўмлик бир жуфт тилла ҳалқаси — жами 258 минг сўмлик мулкини унинг ҳаёти учун муҳим бўлган соғлиғига зарар етказиб, қўрқитиш ва зўрлик йўли билан ечиб олди.

Орадан бироз ўтиб, ҳушига келган Роза ҳақоратланган жисмидан ўзи ҳам ижирғанган ҳолда кийимларини кийди. Нам Алексей эса бепарво ҳолда: «Қўявер, таниш докторларим бор. Маълумотнома тайёрлаб бераман, эртага ишга чиқмайсан», деди.

Роза уйига эрталабки соат бешларда келди. Ҳаммомга кириб, уст-бошидаги қон теккан жойларни ювди. Бироз ўзига келгач, қўли ва қулоғидаги тақинчоқлари йўқлигини сезиб қолди. Бироқ у тақинчоқларни Алексей ўмарганлигини билмасди.

**Суд очерки**

Қизининг кечқурун тўйга безаниб, яхши кайфиятда кетганини кўрган она эртасига уни бундай алфозда кўришни хаёлига ҳам келтирмаганди.

Қизининг афтодаҳол ҳолатини кўрган она чидаб туролмади. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Ўз навбатида шифокорлар беморга муолажа кўрсатиб, қонун ҳимоячилари жабрдийдани ҳимояга олишди. Жавобгарнинг эса қонун ва виждон олдида бош эгишдан, терговчи саволларига жавоб беришдан бошқа иложи йўқ эди.

Суд жараёнида Роза Умарова ҳамда жиноятчи Нам Алексейга доир «иш»нинг қонунийлиги таъминланди. Суд тергов натижалари, прокурорнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, оқловчилар талаби, гувоҳлар кўрсатмалари, суд-тиббий экспертиза хулосаларини эътиборга олди.

Суднинг ҳукми билан Нам Алексей саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Судланувчи Нам Алексей ҳисобидан жабрланувчи Роза Умарова фойдасига 200 минг сўмлик моддий зарар ундириб берилди.

Немис файласуфи Гёте **«Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимизда ҳамиша хатолар такрорланиб туради»,** деганида ҳақ эди. Бусиз ҳам ҳаёт тошқин дарё каби шиддатли, тезда ўтиб кетади. Шунинг учун файласуф сўзларини хотирамиздан фаромуш қилишнинг ўзи хато.

Дарвоқе, бу воқеага унинг нима дахли бор, дейишингиз мумкин. Негаки, Нам Алексей ҳам, ҳатто жабрланувчи бўлсада, Роза Умарова ҳам, ҳар иккаласининг онаси ҳам ўз ўрнида хатога йўл қўйишган. Чунки жиноят содир этилгунигача бўлган воқеалар жараёнини кўз олдимизга келтирайлик. Нам Алексей ҳали ёш бўлса-да, ҳаётда хатога йўл қўйиб, бир марта судланган. У эндигина ўз ҳаётини изга тушираётганда яна жиноятга қўл уриб, суднинг «қора курсиси»га ўтирди. Уни бунга ким мажбур қилди? Ҳеч ким! Эсли-ҳушли йигит нега ўз нафсини тия олмай, спиртли ичимликка муккасидан кетди?!. Оқибатда бир бегуноҳ аёлга ҳам жисмонан, ҳам маънан озор етказди. Гулдек йигитлик умри, ёшлиги хазон бўлди. Бундан ташқари, у бедор тунларини оппоқ тонгга улаб, аллалар айтган, ўғлининг келажагидан умидвор бўлган онаизорнинг қалбини «чил-чил» синдирди. Бу энг катта хато эмасми?

Жабрдийда Роза-чи? Унинг бошига тушган кўргуликдан юрагимиз ачишади. Аёл шаънини булғаган кимса ҳар қандай лаънатга лойиқ. Бироқ «қарс икки қўлдан чиқади», деган нақлни ҳам халқимиз бежизга айтмаган. Роза аввало тўйга бир ўзи бормаслиги керак эди. Қолаверса, тўйдан чиқиб эртароқ уйига шошилса, бу хунук воқеа содир бўлмасди. Тўйда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ярим тунгача қолиб кетадиган аёл онаси, яқинлари кўзига қандай қарайди? Бу хато эмасми?...

Фарзанди камолини кўраман, деган қайси она боласини турли базмларда, кўча-кўйда маст-аласт юришига йўл қўяди? Бундай бепарво она бир кунмас бир кун хатоларини кўз ёшлари билан ювиши аниқ!

Демак, бўлиб ўтган хунук ҳодисанинг дояси — хатолар занжирига бориб уланади.

**Мажид РЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

***— Кайлас тоғини айланиб, 5724 километр йўл юрсангиз афсонавий ўлкага етиб борасиз, —деб ёзади рус сайёҳи Георгий ЗОТОВ ўзининг Тибет ҳақидаги мақолаларидан бирида. — Бу ўлканинг маҳаллий амалдорлари сиз билан тилини чиқариб саломлашадилар. Бу билан улар ўзларини Сизга шикаст етказувчи одам шаклидаги иблис эмасликларини намойиш этишади.***

***Бизнинг ушбу сафардаги илк таассуротларимиз кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Чунки иқлимнинг ўта қуруқлигидан лабларимиз ёрилиб кетган, бошимиз лўқиллаб оғрирди. Бунинг устига тепаликка кўтарилиш ниҳоятда машаққатли бўлиб, юқорилаган сари ҳаво камлигидан бошимиз айланиб, кўз олдимиз қоронғу тортиб борарди.***

*Dunyoning ishlari*

# ҚУЁШ ДОШҚОЗОНИ МАМЛАКАТИ

## Тибетда ҳатто чивинни ўлдириш ҳам жиноят саналади...

### РОҲИБЛАР БАҚАГА АЙЛАНИШАДИ

Тибетда ўзига хос ҳаёт тарзи мавжуд. Бу ўлканинг одамлари сира шошилмайди. Улар жуда секин ҳаракатланишади. Уларнинг хатти-ҳаракатларини идишдан секин оқиб тушаётган асалга қиёслаш мумкин. Чунки бу ерда серҳаракат бўлишнинг жисмонан иложи йўқ. Ҳар қандай кескин ҳаракат инсон ҳаётига хавф солади. Улкан тоғлар ва чўққилар мамлакати ҳисобланмиш Тибет денгиз сатҳидан 4000 метр баландликда жойлашган. Шунинг учун ҳам ушбу мамлакат сарҳадига қадам қўйган сайёҳлар орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас беҳузур бўла бошлайдилар. Айримлар ҳаво етишмаслиги оқибатида ҳушларини йўқотишади. Лекин тибетликларнинг ўзлари ана шундай об-ҳавога кўникиб кетишган. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, тибетликларнинг кўкрак қафаслари бошқа инсонларнинг кўкрак қафасларига нисбатан бирмунча кенг бўлиб, улар сийрак ҳавода ҳам бемалол нафас олишга мослашган экан.

Маълумки, Тибет ҳамиша дунёнинг энг сирли ўлкаси ҳисобланган. XX асрнинг 60 йилларигача ҳам бу юртга фақат иккита йўл билан келиш мумкин бўлган. Бири Хитой томондан, иккинчиси эса Ҳиндистон орқали.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дунёдан ажралиб қолган мамлакат аҳолиси ҳеч қачон ўз ташаббуслари билан ташқи дунёга боғланишга уринмаганлар. Аксинча, имкон қадар ташқи дунё билан алоқа қилишдан қочганлар. Чунки улар ўз руҳларини поклаш ниятида доимий ибодат билан машғул бўлишган. Шу боис бўлса керак, Тибетда туғилиш жуда кам. Чунки кўпчилик эркаклар болаликдан роҳиб бўлишга интилишади. Роҳибларга эса уйланиш таъқиқланган.

—Тибет аҳолиси ҳамиша ибодат билан банд бўлиб, уларнинг аксарияти руҳий оламда яшайди, – дейди Чикаго университети профессори Дональд Рехю. — Мана беш йилдирки, мен Непаль чегарасига яқин жойлашган ибодатхона ламасининг қабулига навбат кутаман. Жавоб эса ҳар доим бир хил: «Лама медитацияда, чуқур руҳий олам оғушида...» У қачон бу ҳолатдан чиқади, деган саволимга эса ҳозирча жавоб ололганим йўқ. Чунки буни ҳеч ким билмайди.

Айни кунларда ҳам Тибетнинг хилват туманларидаги юксак тоғлар қўйнида жойлашган муз ғорлари бағрида 20-30 йил мобайнида чуқур руҳий медитация оламида яшаётган одамлар бор.

Биз юқорида тибетлик амалдорларнинг тилини чиқариб саломлашишлари ҳақида айтган эдик. Энг қизиғи, улар сиздан ҳам шундай жавоб кутади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Тибет афсоналарида дўзахдан қочган шайтоннинг тили яшил рангда бўлади, деб айтилган. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига тилларини чиқариб саломлашиш орқали ўзларининг иблисга алоқадор эмасликларини исботлашади. Шунингдек, ерлик аҳоли ўз уйидан кўчага чиқишдан аввал дуо ёзилган доирачаларни айлантирадилар. Маълум бўлишича, бундай доирачаларни айлантириш, кун мобайнида 10 000 маротаба илоҳий сўзни такрорлаш билан тенг ҳисобланар экан.

Бу ўлкада медитация тўғрисида турли афсоналар юради. Энг асосийси, улар руҳий камолга етмаган одам билан гаплашмасликни маъқул кўришади. Тибетликларнинг фикрича, инсон руҳи унинг танаси билан нозик ришталар орқали боғланган. Бу эса инсон организмининг ноёб имкониятларини илғаб олишга ёрдам беради.

1995 йилда бир гуруҳ швейцариялик олимлар тибетликлар орасида тиббий текширув ўтказганлар. Ўшанда олимлар Гьянгдзе ибодатхонасининг роҳиблари елкасига чойшаб ташлаб, қаҳратон совуқда соатлаб қор устида ўтиришганини кўриб ҳайратда қолишган. Буни қарангки, бирорта роҳибнинг соғлиғига зиён етмаган. Мутахассисларнинг фикрича, тибетликларнинг медитация пайтидаги ҳолатини илон ва бақаларнинг уйқудаги ҳолатига қиёслаш мумкин. Бунинг устига баъзи роҳиблар медитация пайтида нафас олишни ҳам тўхтатишар экан. Ҳатто, энг замонавий тиббиёт ускуналари ҳам уларнинг юрак уришини аниқлаб бера олмаган.

Тибетнинг чекка, хилват туманларидан бирида муз ғорлари бор. Айтишларича, тоғлар бағридан жой олган бундай ғорларда одамлар 20-30 йил давомида туз тотмай, медитация ҳолатида яшар экан. Биз ҳазиллашиб, бу қариялар аллақачон ўлиб кетган бўлса керак деган эдик, тибетлик ҳамроҳларимизнинг кўнгли оғриди. Маълум бўлишича, ғордаги одамларнинг сочлари ва тирноқлари оддий одамларникидек ўсар, шунинг учун ҳам ҳар ярим йилда бир марта уларнинг ҳузурига сартарош ташриф буюрар экан.

Шигадзе ибодатхонасида бизга инсоннинг узун сочларини кўрсатишди. Энг ҳайратланарлиси, соч ўрами турган тўшакдаги ёстиқ ва кўрпада ётган одам танасининг излари кўзга яққол ташланиб турар эди. Айтишларича, у руҳий оламга шу қадар чуқур киришиб кетганки, натижада танаси бутунлай кўздан ғойиб бўлган. Тўшакка қўл теккизиб, эшитганларимизни текшириб кўрмоқчи бўлдик... Афсуски, бунга рухсат беришмади.

### ЮМРОНҚОЗИҚҚА АЙЛАНИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР

— Медитация ҳолатининг такомиллашуви, унинг юқори чўққига чиқиши натижасида одамлар ҳатто уча олиш қобилиятига эга бўлади, деган қарашларимиз сизни ҳайратга солиши мумкин, – дейди Кайлас тоғи яқинидаги ибодатхона роҳиби лама Таши Нгаванг. – Мен бундай қобилиятга эга одамни ўз кўзим билан кўрмаганман, аммо ибодатхонада сақланаётган китобларнинг бирида ана шундай маълумотларни ўқиганман. Китобда ёзилишича, XII асрда тибетлик беш нафар роҳиб бемалол тоғ ва дарёлар оша худди қушлардек парвоз қилар экан. Албатта, кўпчилик сайёҳлар бу гапларни шунчаки афсона сифатида қабул қилишади. Лекин биз, тибетликлар бунга ишонамиз. Чунки ўзимиз бунга ўхшаш кўплаб мўъжизаларга дуч келганмиз...

Кайлас тоғи Тибетнинг энг илоҳий жойи ҳисобланади. Тибет афсоналарига кўра, бу тоғ ҳудудида худолар истиқомат қилади. Бу масканни ҳақли равишда дунёнинг маркази, дейдилар. Кайлас тоғи қояларида табиий равишда свастика тасвири акс этган. Шу боис 1938 ва 1943 йилларда Адольф Гитлер Тибетга СС альпинистларидан иборат экспедиция юборган. Унинг фикрича, худди шу ерда ариес – олий ирқ миллатининг дунёга келиши сирлари яширинган.

Хуллас, Тибетда фақат сир-синоатларга дуч келасиз. Бу ўлкадаги ибодатхоналарда сақланаётган китобларда сирли ирқлар, афсонавий подшоҳлар, мистик давлатлар ҳақида турли-туман маълумотларга дуч келасизки, дунёдаги бирон-бир тарихий манбаада, ҳатто Александр Македонскийга қадар йўқ бўлиб кетган маълумотларда ҳам улар акс этган эмас.

Тибет афсоналарида агар Кайлас тоғини бир марта пиёда айланиб ўтилса, (бор-йўғи 53 километр) инсон ҳаёти давомида қилган гуноҳларидан покланади, агар 108 марта айлангудек бўлса, тўғридан-тўғри жаннатга тушади, деган фикр мавжуд. Шунинг учун ҳам абадий оппоқ қорга бурканган бу тоғ атрофида ҳар доим минглаб зиёратчиларни учратиш мумкин. Совуқда дир-дир титраётган зиёратчилар музда сирпаниб йиқиладилар. Кейин яна ўринларидан турадилар, яна бир-икки қадам ташлаб, яна йиқиладилар. Сўнг яна ва яна олға интилаверадилар. Ахир, ким ҳам жаннатга тушишни истамайди, дейсиз.

Агар зиёратчилар орасида машаққатдан қочадиганлари бўлса, яхшиси от йилини (у 2014 йилда келади) кутганлари маъқул. Чунки Кайлас тоғи атрофини от йилида бир марта айланган одам тўққиз марта айланган одамнинг савобини олар экан. Яна бир афсонада таъкидланишича, Кайлас тоғини айланиб, ибодат қилган одам кейинги гал дунёга келганида ҳам инсон бўлиб туғилар экан. Акс ҳолда у иккинчи туғилишида юмронқозиқ сифатида дунёга келади, дейишади тибетликлар.

Яна шуни таъкидлаш керакки, тибетликлар инсоннинг қайта туғилиши ва унинг руҳи ўзга жонзотларга кўчиб ўтишига қаттиқ ишонадилар. Бу ишонч эса ўз навбатида уларнинг ҳаётини анча қийинлаштиради. Чунки бу диёрда сувараклар, чивин, умуман олганда, бирор-бир жонзотни ўлдириш мумкин эмас. Чунки улар тириклигида сизнинг яқин қариндошингиз, дўстингиз ёки девор-дармиён қўшнингиз бўлган бўлиши мумкин...

Кунлардан бирида Хитойдан келган қишлоқ хўжалик мутахассислари қуриб қолган хас-хашакни ёқиб юборадилар. Бундан дарғазаб бўлган бутун бир қишлоқ аҳолиси Пекинга норозилик мактуби йўллайди. Ахир, хашаклар орасида ёниб кетган ҳашоратлар бир вақтлар одам бўлган-ку?! Ўшанда тибетликларнинг эътиқодини ҳурмат қилган расмий Пекин Тибет ҳудудида қуриган хашакларни ёқишни таъқиқловчи кўрсатма берган эди.

Яна бир қизиқ ҳолат. Тибетда қиш палласида ўттиз даража совуқ бўлишига қарамай, юз терингиз худди қирқ даража жазирамада юрган каби қорайиб кетади. Чунки бу мамлакат қуёшга энг яқин жойлашган. Шунинг учун ҳам тоғли қишлоқлар аҳолиси қайиққа ўхшаган идишчаларда сув иситадилар. Улар аввал металл идишчага сув солиб, унинг устини юпқа ойна билан ёпиб қўйишади. Ярим соат ўтгач, қарабсизки, сув қайнаб турибди. Катта дошқозонлардаги сув ҳам худди шу тариқа қайнатилади. Шу боис ҳам кўпчилик Тибетни қуёш дошқозонлари мамлакати, деб атайди.

— Бутун дунё нефт ва газ ўрнига қандай ёқилғи ишлатсак экан, деб бош қотиргани қотирган, — деб кинояли кулади Поче қишлоғи оқсоқоли Норбу Цецен.- Биз бундан уч минг йил олдин бу муаммонинг ечимини топганмиз. Дунёда қуёш нуридан кўра соф ва битмас-туганмас ёнилғи манбаи йўқ. Фақатгина уни ишлата билиш керак...

***Хорижий матбуот материаллари асосида***
***Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади***

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Пўлат САМАТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Хуршид СОДИҚОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Маҳмуд САТТОРОВ
Ислом ҲАМРО
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-915. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5